

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бобаназарова Ж.Х.

ЖизПИИ профессори, и.ф.д.

jamilabobanazarova@bk.ru

Юлдашева Ирода Эргаш қизи

Менежмент мутахассислиги магистри

irodayuldasheva@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада олий таълим тизимини бошқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари ўрганилган, таълим тизимини ривожлантиришни давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Таълим тизимини ривожлантиришда инновациянинг назарий жиҳатлари, уни ривожлантириш ва баҳолаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилган. Олий таълим муассасаларида кадрларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишлари мутахассисликлар ва касблар бўйича педагогик кадрлар билан таъминланганлигини ўрганиш ва унга баҳо бериш ва ОТМда инновацион фаолиятни ташкил этиш, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича услубий тавсиялар берилган.


КАЛИТ СЎЗЛАР: кадрлар, таълим, узлуксиз таълим, бошқариш, ОТМда инновацион фаолият, кадрларни бошқариш, меҳнат бозори.

Жаҳонда глобаллашув даври ва тезкор ахборот алмашинуви жараёнларининг кучайиши мамлакатлар, компаниялар ва корпорациялар ўртасидаги кескин рақобат муҳити шароитида юқори малакали кадрларнинг фавқулодда шу ҳолатларга тайёр бўлишларини талаб этмоқда. Ваҳоланки, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида таъкидланганидек, олий таълим жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омилига айланмоқда. Шу туфайли кейинги йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш суръати жаҳонда сакланиб, 2030 йилга бориб, олий ўқув юртлари талабаларининг прогноз сони 414 миллион кишига етади ва у 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга кўпдир [1].

Мамлакатимизда ҳам олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий тараққиётини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал қилувчи, кенг миқёсдаги иқтидор, маънавий ва ахлоқий хислатлар соҳиби бўлган юқори малакали кадрлар ва илмий ходимлар тайёрлашни бошқариш, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълими негизида маълумотини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бўлган шахснинг эҳтиёжини ОТМларида қондиришни бошқаришдан иборат.

Олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш олий таълим тизимини самарали бошқаришнинг энг муҳим ва устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифанинг қанчалик самарали бажарилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар борасидаги мақсадларга эришишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимини, хусусан, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ишда Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорининг ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил




натижаларига кўра, республикада фаолият юритаётган олий таълим муассасалари сони 2015/2016 ўқув йилида 69 тани ташкил этган бўлса, 2021/2022 ўқув йилида бу кўрсаткич 154 тага етди, яъни 2,2 мартага, уларда тахсил олаётган талабалар 3,1 мартага кўпайди. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари сони*
(ўқув йили бошига)

Кўрсаткичлар	Ўқув йили							2021-2022 ўқув йили 2015-2016 ўқув йилга нисбатан ўсиш, фоиз
	2015/2016	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020	2020/2021	2021/2022	
Олий таълим муассасалари сони, бирлик	69	70	72	98	119	127	154	2,2 марта
Уларда талабалар, минг киши	264,3	268,3	297,7	360,2	441,0	571,5	808,4	3,1 марта
Шу жумладан бўлимларда ўқийдиганлар, минг киши:								
кундузги бўлимда	263,9	267,9	287,5	313,0	360,1	441,9	553,9	2,1 марта
сиртки бўлимда	0,4	0,4	10,2	46,0	73,6	118,1	228,0	570 марта
кечки таълим	-	-	-	1,2	7,3	11,5	26,5	
10000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони, бирликда	84	84	93	110	130	165	229	2,7 марта
Қабул қилинган талабалар сони, минг киши	63,0	61,2	63,0	114,5	138,1	174,9	235,9	3,7 марта
Бакалавриятга қабул қилинган талабалар сони, минг киши	58,3	57,7	80,8	108,7	128,7	165,0	220,1	3,8 марта
Битирган мутахассислар сони, минг киши	66,3	64,1	67,4	70,3	70,8	83,9	103,9	157
10000 аҳолига нисбатан битирган мутахассислар	21	20	19	20	19	24	29,6	141

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган



Шунингдек, ОТМларнинг кундузги бўлимларида ўқийдиган талабалар сони 2015/2016 ўқув йилида 263,9 мингтани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021/2022 ўқув йилида 553,9 мингтага етди, яъни шу давр мобайнида қарийб 2,1 мартага ошди. Сиртки таълим шаклига эътиборнинг кучайтирилиши натижасида 2015/2016 ўқув йилида бор-йўғи 400 та талаба таҳсил олган бўлса, 2021/2022 ўқув йилга келиб, бу кўрсаткич 228,0 мингтани ташкил этди. Ҳар 10000 аҳолига тўғри келадиган талабалар сони 2015/2016 ўқув йилида 84 тани ташкил этган бўлса, 2021/2022 ўқув йилида бу кўрсаткич 229 тага етди, яъни 2,7 мартага ошди. Таҳлил этилаётган йилларда жами қабул қилинган талабалар сони – 3,7 мартага, битирган мутахассислар сони 157 фоизга ошди, 10000 аҳолига нисбатан битирган мутахассислар сони 141 фоизга ошди.


Олимларнинг фикрича “Олий таълим – ҳозирги даврда глобаллашган махсус хизмат тури ва шунга кўра, келиб чиқиш мамлакатига боғлиқ вазият усулларида фойдаланади. Келиб чиқиш мамлакати олий таълим муҳитида муҳим омил бўлади, чунки таълим аниқ (маълум) мамлакатнинг қонунчилиги ва стандартлари билан узвий боғлиқдир. [2] Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида ҳам олий таълим тизимини сифат жиҳатдан бошқариш борасида таълим сифатини юксалтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тизимнинг моддий-техник базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш қабилар билан бир қаторда таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий олимлардан А.А.Махмудовнинг фикрича “Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқаришга оид айрим назарий ёндашувлар” деб номланган мақоласида олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бюджет маблағлари асосий ўринни эгаллаши, молиялаштириш маблағларининг ҳажмини мамлакатнинг ижтимоий ривожланиш даражаси, аҳолининг даромади, ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, моддий базани мустаҳкамлаш ва қўшимча молиялаштириш манбаларини топиш, халқ хўжалиги тармоқларининг олий даражадаги мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи ва талабларига қараб белгиланиши лозимлигини таъкидлаган [3].

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида 46-мақсад сифатида: Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш учун кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибинини жорий этиш, 2026 йилда қабул кўрсаткичинини камида 250 мингга етказиш белгиланган.


Олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш олий таълим тизимини самарали бошқаришнинг энг муҳим ва устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифанинг қанчалик самарали бажарилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар борасидаги мақсадларга эришишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Таълим сиёсатида меҳнат бозори алоҳида субъект сифатида унинг вужудга келиши, ходимлар ва мутахассисларнинг катта қисмида ўз муахассислигини ўзгартириш ёки малакасини ошириш эҳтиёжлари юзага келиши узлуксиз таълим тизимида ўтиш учун реал шарт-шароит яратмоқда.

Таълим тизимида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири таълим муассасаларининг сифатини оширишдан иборат. Таълим



сифати уни истеъмолчига кўрсатувчи таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишга боғлиқдир. Айти пайтда таълим сифатини ошириш йўли билан унинг рақобатбардошлиги таъминланади. Таълим тизимининг рақобатбардошлиги бу таълимнинг талабларга жавоб бериш қобилияти ва уларнинг бозорда сотилишидир. Ушбу жараёнлар асосида маълум тавсифдаги эҳтиёжларни қондириш имкониятларини берувчи хусусиятлар ётади.

Ҳозирги шароитда олий таълим муассасаларида кадрларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишлари мутахассисликлар ва касблар бўйича педагогик кадрлар билан таъминланганлигини ўрганиш ва унга баҳо бериш ва ОТМда инновацион фаолиятни ташкил этиш, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик ўқув жараёни самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади (1-расм).



1 расм. Олий таълим муассасаларида кадрларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг таълим сифатига таъсири*

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, олий таълим тизимини иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан бошқариш механизми ва уни такомиллаштириш учун қуйидаги босқичлардан вазифаларни амалга ошириш лозим:

1-босқич. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган стратегик мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ОТМ миссияси ва узок муддатли мақсадларни белгилаб олиш. Бунда, меҳнат бозори талаблари доирасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, илмий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва илмий натижаларни тижоратлаштириш механизмларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилиши лозим.

2-босқич. Белгиланган миссия ва узок муддатли мақсадларни амалга ошириш имкониятини яратувчи фаолиятни ташкил этиш моделини танлаш. Бу борада, ОТМнинг тарихий анъаналари, унинг ихтиёридаги моддий ва номоддий ресурсларни объектив баҳоланиши муҳим аҳамият касб этади.

3-босқич. Белгиланган миссия ва узоқ муддатли мақсадларни қўшимча молиявий қўйилмалар, ташкилий ўзгаришларни талаб этмаган ҳолда амалга оширишимкониятини берувчи бошқарув тузилмаси ташкил қилинади.

4-босқич. ОТМ бошқарув тизимининг самарали фаолиятини ташкил этиш учун горизонтал, вертикал ҳамда тескари алоқа механизмларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси ишлаб чиқилади.

Иқтисодий ислоҳотлар шароитида олий таълим тизимини бошқариш, олий малакали мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф ўртасида нисбатларни бузилишини олдини олиш ва иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган малакали кадрларга бўлган талабни аниқлаш учун олий таълим хизматлари бозори меҳнат бозори механизмлари асосида нисбатларни мувофиқлаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

- бозор иқтисодиёти шароитида олий малакали бўлган мутахассисларга талабни тармоқ таркибларини ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш йўналишларини ўзгариши ҳисобига пасайиши олдини олиш;

- олий малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини бозор муносабатлари шароитидан келиб чиққан ҳолда тайёрлашни бозорнинг асосий қонуни бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда сифатли, назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш;

- касб-ҳунар мактаблари ва лицейларни битирувчи ўқувчилар, олий ўқув юртларига киришни истовчи абитуриентлар ўртасида уларни тўғри касб танлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

- иқтисодий тармоқлар бўйича зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича истиқболлаштириш кўрсаткичлари ишлаб чиқиш;

- олий таълим ўқув юртларини меҳнат бозори билан ҳамкорликда битираётган ёш мутахассисларни иш жойлари билан таъминлашни самарадорлигини ошириш;

- олий таълим хизматлари бозорининг фаолиятини ёшлар, аҳоли талаблари асосида эмас, балки иқтисодий минтақалар ва меҳнат бозори талаблари асосида амалга ошириш;


- олий таълим хизматлари тизими ва бозорини фаолиятини доимий равишда иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш учун тегишли қарорларни қабул қилиш, тадбирлар ишлаб чиқиш учун олий таълим тизимини бошқариш муассасаларида ахборот таҳлил қилиш бўлинмаларини ташкил этиш;

- меҳнат бозорида олий малакали мутахассисларни тайёрлаш сифати бўйича рейтинг бўйича маълумотларни оммага етказиб туриш;

- давлат томонидан олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори фаолиятини назорат қилиш механизминини яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. www.unesco.org.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон). качик А.К. Страна происхождения как инструмент позиционирования образовательной организации // Человеческий капитал и профессиональное образование. – 2019. – 5 (10). – С.25-28.



4. Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқаришга оид айрим назарий ёндашувлар. «Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журнали. № 2 (13) 3, апрель-июнь, 2021 йил
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

